# МАСЪУЛИЯТ ВА ФИДОЙИЛИК

## кўзлаган режаларимизнинг амалга ошишида муҳим омил бўлади

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

Булардан ташқари, шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамол боқувчи сифатида рўйхатга олинган 54 минг кишига янги меҳнат дафтарчалари берилди. 111 минг фуқаронинг эса мавжуд меҳнат дафтарчасига иш стажи тегишли тартибда қайд этилди. Албатта, бу салмоқли рақамлар замирида фуқаролар манфаати, хусусан, фойдали меҳнат орқали уларнинг турмуш фаровонлигини яхшилашдек олий мақсад акс этганлигини таъкидлаш жоиз.

Давлатимиз раҳбари маърузасида жорий йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига тўхталар экан, Ўзбекистон иқтисодиётининг янада кучли, барқарор ва мутаносиб ривожланган ҳолда майдонга чиқиши, жаҳон бозорларида ўзимизнинг мустаҳкам ўрнимизни эгаллаш, шулар асосида изчил иқтисодий ўсишни таъминлаш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини янада ошириш бўйича олдимизда турган вазифалар муваффақиятли ҳал этилади, дея ишонч билдирди. Албатта, Ватанимизнинг равнақи ва тараққиётини юксалтиришда барча бир ёқадан бош чиқариб, эзгу вазифаларни амалга оширишга янгича куч ва фидойилик билан киришса, кўзланган мақсадларга эришилади.

— Юртбошимиз маърузаларини телевизор орқали кўпчилик бўлиб тингладик, — деб ёзади Чироқчи туманидаги "Кўкдала" қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Умар Жўлбулов. — Ҳудудимиздаги учта маҳалла фуқаролар йиғинида 23 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Ҳамюртларимиз билан, аввалроқ жорий йил Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили деб эълон қилинганини эшитиб, юз бор севинган бўлсак, давлатимиз раҳбарининг мамлакатимизда, жумладан, қишлоқ жойларида кенг кўламли бунёдкорлик, ободончилик ишларини амалга ошириш борасидаги кўрсатмаларини тинглаб, минг чандон қувондик. Зеро, маърузада баён этилган қай бир соҳани олманг, бариси биз — қишлоқ аҳлининг турмуш фаровонлигини яхшилашга қаратилган. Мисол учун, ерли аҳолининг аксарияти деҳқончилик, чорвачилик билан шуғулланади. Бироқ, мева-сабзавот ва чорва маҳсулотларини қайта ишловчи замонавий технологиялар билан жиҳозланган корхоналар ҳали етарли эмас. Ҳолбуки, ҳудудимизда хомашё истаганча топилади. Ушбу масала ўз ечимини топса, юзлаб қишлоқ ёшлари иш билан таъминланади.

Кейинги йилларда қишлоқ ва маҳаллаларимиз жамоли кўркамлашмоқда. Янги-янги турар-жой, маданий-маиший иншоотлар қад ростлаётир. Айни чоғда, аҳолида арзон ва сифатли қурилиш материалларига бўлган эҳтиёж кучли. Шу боис, фаоллар билан ҳамкорликда келгусидаги режаларни амалга оширишда бу каби масалаларни ҳал этиш ҳам кўзда тутилди. Бундан ташқари, маҳаллаларнинг ички йўлларини таъмирлаш, узлуксиз энергия таъминоти ва тоза ичимлик суви тизимини яхшилаш борасида бир қатор тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Ўйлайманки, олдимизга қўйилган ишларни амалга ошириш қишлоқ аҳли ҳаётини бундан-да яхшилашга хизмат қилади.

Тошкент шаҳар Учтепа туманидаги "Учтепа" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Мухтор Илҳомов бу борада қуйидагича фикрларни билдирди:

— Давлатимиз раҳбарияти томонидан олиб борилаётган ислоҳотлар самараси туфайли ҳаётимиз кундан кунга фаровонлашиб бормоқда. Синчков одам кейинги йилларда юз берган ижобий ўзгаришларни дарров илғаб олади. Кузатишимча, бугунги қишлоқ, бундан 15-20 йил аввалгисидан кескин фарқ қилади. Айниқса, қишлоқда ерга эгалик ҳиссининг кучайгани ўз самарасини берди, десак, хато қилмаган бўламиз. Бироқ, Президентимиз маърузаларида таъкидлаб ўтганидек, эришилган ютуқлар чегара эмас. Уларни янада юксалтириш учун юртимизда етарли манба ва иқтисодий салоҳият мавжуд. Фақат улардан тўғри ва унумли фойдалансак, олдимизга қўйилган мақсадлар ижобат бўлади. Бу борада қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ва барча фаолларидан юқоридаги вазифаларни оғишмай амалга ошириш учун чуқур масъулият ва ҳақиқий фидойилик талаб этилади.

**Саидолим ҲАЙДАРОВ,**
**"Mahalla" мухбири.**

# ЗАМОН ТАЛАБИГА МОС ЧАҚИРУВ ПУНКТЛАРИ

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

Янги чақирув пунктимизда барча зарур шарт-шароит муҳайё этилгани чақирилувчилар билан ишлашда қулайликлар яратди. Бўлажак аскарларни тиббий кўрикдан ўтказаётган шифокорлар замонавий тиббий воситалар, диагностика аппарати ва компьютерлар билан таъминлангани чақирув сифат ва самарадорлигини оширмоқда.

— Қарийб йигирма беш йилдан бери чақирилувчиларни тиббий кўрикдан ўтказишда иштирок этаман, — дейди Чилонзор туман чақирув тиббий комиссияси аъзоси, олий тоифали шифокор Гулнора Болтаева. — Ҳозир ҳарбийга отланаётган йигитлар бундан йигирма йил олдинги чақирилувчиларга нисбатан анча соғлом, бақувват ва интеллектуал салоҳияти баланд. Буни уларнинг кўкрак қафаси кенглиги, бўйининг нисбатан баландлигидан ҳам билиш мумкин. Улар хорижий тилларни, компьютер техникаси билан «тиллашиш»ни яхши билади, муайян касб эгаси. Бу халқимиз фаровонлиги ошиб бораётгани, ҳеч кимдан кам бўлмаган соғлом авлод камол топаётганидан далолатдир.

Чақирув комиссиялари таркибига маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотин-қизлар қўмитаси, «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармаларининг вакиллари киритилгани чақирилувчининг оилавий шароити, турмуш тарзини чуқур ўрганиш, ёшлар орасидан маънавий-ахлоқий ва руҳан тетик, соғлом, жисмонан кучли йигитларни саралашда алоҳида ўрин тутади.

Чақирув пунктида ташкил этилган алоҳида бурчак ёшларнинг ҳарбий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар, ҳарбий қисм ва билим юртларида аскар ва курсантлар учун яратилган шарт-шароит, берилаётган имтиёзлар бўйича тўлиқ маълумот олиши, Қуролли Кучларимиз ҳақида билимга эга бўлишига хизмат қилмоқда.

**Холмурод САЛИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

Республикамиз маҳаллаларида

Навоий вилояти

## Ҳамманинг ўз компьютери бўлади

***Навоий вилоятидаги мавжуд 339 та ўзини ўзи бошқариш органларининг барчаси бу йил компьютер техникаси билан таъминланади. Ҳомий ташкилотлар ва корхоналар маҳаллалардаги кам таъминланган оилаларга ёрдам кўрсатиш билан бир қаторда, бу хайрли юмушни ҳам ўз зиммасига олди.***

Ўзини ўзи бошқариш органларига шу кунгача совға қилинган 241 та компьютернинг 210 таси ҳомийлар ҳисобидан олиб берилганлиги маҳаллаларга ҳомийлик ёрдами кўрсатишнинг юқори даражада ташкил этилганлигидан далолатдир.

Шунингдек, фуқаролар йиғинларини мебель жиҳозлари билан таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Шу мақсадлар учун 248,2 миллион сўм сарфланди.

**М.ҲОСИЛОВА**

Самарқан вилояти

## Оила мустаҳкамлигига бағишланди

***Самарқанд шаҳридаги Зомин, Ургути, Мирзо Пўлат, Фоқеҳ Абулайс ва бошқа маҳаллаларда яшаётган фаол хотин-қизлар, уй бекалари, онахонлар иштирокида давра суҳбати ўтказилди. Суҳбатда аёлларнинг жамиятдаги ўрни, мавқеини янада кўтариш, фаоллигини ошириш масаласи асосий эътиборда бўлди.***

Тадбирда аёлларнинг аҳил оила, соғлом турмуш тарзи, тиббий ва жисмоний маданият, миллий урф-одат, қадрият ва анъаналаримиз, диний маросимлар тарғиботида тутган ўрнини кучайтириш масалалари бўйича фикр алмашилди.

Келтирилган далиллардан аён бўлдики, ўтган 2008 йилда вилоятда қатор ижобий ишлар бажарилди. Нотинч оилалар сони, никоҳ бузилиш ҳолатлари, аёллар томонидан ҳуқуқбузарлик ҳолатлари содир этилиши камайган. Бироқ ҳали турли диний оқимларга мойиллиги бор шахслар билан ишлаш, одам савдосига қарши курашиш, хотин-қизларни иш билан таъминлаш, касаначилик фаолиятини янада ривожлантириш борасида ҳам муайян ишларни олиб бориш тақозо этилади.

Суҳбат асносида келгусида амалга оширилиши лозим бўлган муҳим режа ва вазифалар белгилаб олинди. Хусусан, катта ҳаётий тажрибага эга онахонлар, намунали оила бекаларини жалб этиб, ёш оилалар ўртасида тушунтириш ишларини олиб боришга келишиб олинди.

Худди шундай тадбир шаҳардаги Даризанжир, Афросиёб, Нодирабегим номидаги маҳаллаларда ҳам бўлиб ўтди. Маҳалла фаоллари иштирокида уюштирилаётган бундай самимий тадбирлар иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотяпти.

**Ўктам ҚЎРБОНОВ,**
**«Mahalla» мухбири.**

Сурхондарё вилояти

## Наврўз тараддуди

***Сурхон воҳасида қадимий ва навқирон байрамимиз Наврўзга тайёргарлик ишлари авжида. Вилоят ҳокимлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, Касаба уюшмаси, "Маҳалла" хайрия жамғармасининг ва бошқа корхона, ташкилот, муассасалар мутасаддилари Наврўз — умумхалқ байрамини катта тантана билан кутиб олишга бел боғлаганлар.***

Бу шукуҳли байрам аввал гузарларда, маҳалла ва фуқаролар йиғинларида, сўнг туман маркази ва Термиз шаҳрида бўлиб ўтади. Ҳеч бир фуқаро назардан четда қолмайди. Ҳозирдан кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилалар, ногиронлар, фахрийлар, иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари рўйхатга олиниб, Наврўз кунлари уларга топшириладиган совғалар рўйхати тузилди.

**Эркин МУҚИМОВ**

Тошкент вилояти

## Ташкилий масала кўрилди

***Республика «Маҳалла» жамғармаси Тошкент вилоят бўлимининг навбатдан ташқари конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияда ташкилий масала кўрилди.***

Илгари Тошкент вилояти ҳокимининг маънавий ва маърифий ишлар бўйича ёрдамчиси бўлиб ишлаб келган Раҳматилла Шералиев «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими бошқаруви раиси этиб сайланди.

Конференцияда вилоят маънавият ва маърифат маркази бошлиғи С.Қурбонқулов, Зангиота туманидаги «Чиғатой Оқтепа» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси М.Жўраев, республика «Маҳалла» жамғармаси бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Н.Абдуллаев, вилоят ҳокимининг ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари С.Абдуллаевлар сўзга чиқдилар.

**Жамбул ҚУРБОНБЕКОВ,**
**«Mahalla» мухбири.**

Фарғона вилояти

## Аҳоли саломатлиги йўлида

***Қўқон шаҳрида жойлашган барча тиббиёт муассасаларида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, меҳнат фахрийлари, пенсионерлар ва ногиронларни соғлиғини сақлаш учун зарур шарт-шароит яратиб беришга алоҳида эътибор қаратиб келинади.***

Айниқса, истиқлол йилларида бу борадаги ишлар кўлами янада ошди. Хусусан, ўтган йили "52-Янгиобод" маҳалласи қошидаги "Нуроний" жамоат маркази ҳамда шаҳар марказий шифохонасининг бош шифокори Комил Сирожиддинов ташаббуси билан шаҳардаги "Тез тиббий ёрдам маркази" қошидаги "АНЕКС" фирмасининг дўконида эшитиш аппаратларини таъмирлаш устахонаси очилди.

Илгари шаҳар касалхоналарида бу каби аппаратлар ва бошқа эшитиш мосламаларини таъмирловчи биронта ҳам махсус устахона йўқ эди. Шу сабабали қулоқ касалликларига йўлиққан кекса отахон ва онахонлар Фарғона, Тошкент ва юртимизнинг бошқа шаҳарларида жойлашган махсус устахоналарга мурожаат қилишарди. Мазкур устахонанинг ишга туширилиши бу каби оворагарчиликларга чек қўйди.

**Алижон УМАРОВ,**
**"52-Янгиобод" маҳалла фуқаролар йиғини қошидаги "Нуроний" жамоат марказининг раиси.**




# МУНОСАБАТЛАР МУТАНОСИБЛИГИ

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

Бугунги кунда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашда "Маҳалла посбонлари" каби фуқаролик тузилмаларининг салоҳиятидан фойдаланилмоқда. Уларнинг вазифаси — маҳалла аҳлининг, бутун жамоатчиликнинг сергаклигини ошириш, "Ўз уйимизни ўзимиз асрайлик", деган даъватни ҳаётга жорий этишдан иборат.

Фуқаролар йиғинларининг аҳоли яшаш жойларида содир этилаётган жиноятлар ва бошқа ғайриқонуний хатти-ҳаракатларни келтириб чиқараётган сабаб ва ҳолатларни аниқлаш, уларни бартараф этиш йўлидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамиятга эга. Бу ишга кенг оммани жалб этиш, уларнинг тайёргарлигини кучайтириш ва чегара қўшинлари ҳамда ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ҳамкорлигини таъминлаш зарур.

Жамиятимиздаги бошқа соҳалар каби ички ишлар идораларида ҳам изчил ислоҳотлар ўтказилмоқда. Бундан кўзланган мақсад халқимизнинг тинч ва фаровон турмуш тарзини таъминлаш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, аҳоли сонини ҳисобга олган ҳолда ҳар бир маҳалла ҳудудида ички ишлар идоралари ходимларининг асосий қуйи тизими ҳисобланган "Милиция таянч пунктлари"ни ташкил этишдир. Шу орқали бевосита аҳоли яшайдиган жойларда, маҳаллаларда ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, ички ишлар идораларининг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда бошқа шу каби жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлигини кенгайтириш имконияти туғилади.

Мамлакатимиз XXI асрга барча ижтимоий-иқтисодий соҳаларни эркинлаштириш ғояси асосида қадам қўйди. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мазкур жараёнга бевосита жалб қилинганлиги ва ушбу жараённинг самарали натижалари халқимизда ижобий фикр туғдирмоқда. Жумладан, 2006 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти томонидан Бухоро ва Наманган вилоятларида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари вакиллари — 124 нафар респондент орасида ўтказилган сўровда "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига давлат томонидан ёрдам беришнинг қандай шаклларини жорий этиш мақсадга мувофиқ?" деган саволга посбонларни кўпайтириш, фуқароларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган ваколатлар бериш лозим, деган жавоблар олинди.

Мамлакатимизнинг тинчлик ва осойишталигини таъминлашда энг асосий омил миллатлараро тотувликдир. Маҳалла фаолиятига аҳоли жалб қилинганлигининг юқори натижалари ўзбеклар орасида 65,6 фоизни, қозоқлар орасида 46,7 фоизни, қирғизлар орасида 59,7 фоизни, тожиклар орасида 66 фоизни, қорақалпоқлар орасида 61,2 фоизни ташкил этади. Украинларнинг 60,8, русларнинг 50,7, татарларнинг 48,2 фоизга яқини истиқомат жойларидаги маҳалла фаолиятида бевосита иштирок этадилар.

Шу билан бирга, Ўзбекистонда маҳалла институтининг ривожланиши борасида Тошкент шаҳрида "Ўлим жазосини бекор қилиш ва судларга ҳибсга олиш тўғрисидаги санкцияни ўтказиш — суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштиришнинг муҳим босқичи" мавзусида ўтказилган халқаро конференцияда хорижлик мутахассислар маҳалла кўп функционал институт бўлишига қарамай, ижтимоий-иқтисодий, таълим-тарбия соҳасига оид вазифани бажариш билан бирга жамиятнинг хавфсизлиги учун жавоб беради, деб эътироф этишди. АҚШдаги Глиндейл шаҳрининг полиция департаменти бошлиғи Стив Конрад: "Ўзбекистонда "Хабеас Корпус" тизимини жорий этиш билан бир қаторда, маҳалла деб номланган "анъанавий ячейканинг" ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар билан биргаликда фаолият кўрсатиши бизни ҳайратга солди. Бундай ячейкалар АҚШда мавжуд эмас. Биз учун Ўзбекистондан ўрганиш мумкин бўлган жиҳатлар бор", деганда аксарият хориж мутахассислари мазкур фикрнинг тўғрилигини таъкидладилар.

Бугунги кунда хориж мутахассисларининг Ўзбекистон маҳаллаларига қизиқиши тобора ортиб бормоқда. Жумладан, немис сиёсатчиси Артур Файнберг: "Маҳалла — инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилган ҳолда ёшларни тарбиялашга, уни камол топишига кўмак берувчи жамият институти", деб таъриф берган.

Маҳаллаларда хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари билан доимий муносабат мавжуд. Маълумки, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонуннинг 10-моддасига асосан, "Шаҳарча, қишлоқ, овул фуқаролар йиғини ва шаҳардаги маҳалла фуқаролар йиғини: хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатларига мажбурий тўловларни йиғиш, иссиқлик ва электр-энергиясидан, иссиқ ва совуқ сувдан тежамли фойдаланиш юзасидан тадбирлар ўтказишда, тегишли ҳудудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, уй-жойлар ва ҳовлиларни намунали сақлаш юзасидан ихтиёрий ишларни ташкил этишда кўмаклашади", деб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2001 йил 27 апрелдаги 38-сон буйруғи билан тасдиқланган "Аҳоли томонидан коммунал хизматлар ҳақи ўз вақтида ва тўлиқ тўланишини таъминлагани учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларини рағбатлантириш тартиби тўғрисида"ги низомга асосан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мажбуриятлари белгиланган. Унга кўра:

биринчидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари жамоатчиликка таъсир кўрсатишнинг турли усуллари билан аҳоли орасида яшаб ўтилган ойдан кейинги ойнинг ўнинчи кунига қадар кўрсатилган турар-жой коммунал хизматлари учун ҳақ тўланиши зарурлиги ҳақида тушунтириш ишлари олиб боради;

иккинчидан, коммунал хизматлар кўрсатиш корхонаси ёки хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати билан доимий алоқани таъминлаш мақсадида ўзини ўзи бошқариш органи девонининг таркибида масъул шахс тайинланади;

учинчидан, турар жой-коммунал хизматлар учун қарзи бўлган оилалар, шу жумладан, кам таъминланган оилаларни аниқлайди ва уларга умумий мулкни сақлаш бадаллари ва кўрсатиладиган коммунал хизматлар учун ҳақ тўлашда тегишли ёрдам кўрсатиш бўйича чоралар кўради.

Бугунги кунда фуқаролар йиғини ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари орасида ечилмаган масала ва муаммолар ҳам бор. Маҳалла аҳолиси томонидан коммунал тўловларни ўз вақтида туширишни назорат қилиш, тушунтириш ишларини олиб бориш ва бу билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш, аҳолининг ижтимоий жиҳатдан энг зарур талабларини қондириш — хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва фуқаролар йиғини ўртасидаги муносабатларнинг изчил ривожланишини тақозо этмоқда. Мазкур ҳамкорлик олдида республикамиз маҳаллаларида ижтимоий инфратузилмани такомиллаштириш, маҳалла йўлларининг қурилиши, сув таъминоти, чиқиндиларнинг ўз вақтида олиб чиқиб кетилишидан аҳолининг ижтимоий жиҳатдан заиф қатламини ҳимоя қилишгача бўлган вазифалар турибди. Бугунги кунда ушбу функцияларнинг муносиб тарзда ҳал қилиниши эса, шубҳасиз, халқимиз турмуш даражасини кўтаришга ёрдам беради.

**Гулчеҳра МАЛИКОВА,**
**юридик фанлари номзоди,**
**ТДЮИ доценти.**

# Томорқадаги хазина

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

Ривоятларга қараганда, ночор аҳволга тушиб қолган бир фақир инсон донишманд ҳузурига бориб, маслаҳат сўрабди. Доно ҳалиги кишидан: «Томорқанг борми?», деб сўраган экан, у тасдиқ жавобини айтибди. Шунда донишманд: «Ундай бўлса, томорқангга қалампир эк. Қалампир сенинг қирқ йиллик қарзингни бир йилда узади», деган экан. Қиссадан ҳисса шуки, аввало, ерга, ҳар қандай экинга ҳам қаров керак. Шундай қилинса, меҳнатингга куйиб қолмайсан. Мана бир мисол. 10 сотих томорқамиздан бир мавсумда 3,5-4 тоннагача ҳосил оламиз. Маҳсулотни бозорга олиб боришга ҳожат йўқ. Сабаби, тайёрлов идоралари вакиллари дала бошига келиб, ҳосилни кўтарасига харид қилади. Эътиборлиси, қишлоғимиздаги аксарият хонадонларда қалампир етиштирилади. Шу боис, уларни қайта ишлайдиган мўъжаз корхоналар ҳам қурилмоқда. Ҳозирга келиб, етиштирган маҳсулотларимизга нафақат ички бозорда, балки хорижда, хусусан, Жанубий Кореяда ҳам талаб ортиб боряпти. Табиийки, бу биздан янада ғайрат билан тер тўкиб, ҳосил салмоғини ошириш орқали рўзғоримизга қут-барака киритиш имкониятини кенгайтирмоқда.



Пойтахтимиз бозорларини айлансангиз, турли мева-сабзавотлар билан савдо қилаётган сотувчиларга кўзингиз тушади. Уларнинг: «Кеб қолинг, мазасидан еб қолинг! Ҳасанбойники!», — дея харидор чорлаётганига гувоҳ бўласиз. Бу бежиз эмас. Тошкент туманидаги Ҳасанбой қишлоғи соҳибкорликда мамлакатимизда донг таратган гўшалардан бири. Айтишларича, ҳасанбойликлар фарзандларига ақлини таниши билан унга деҳқончилик сир-асрорини ўргатар экан.

— Падари бузрукворимиз бизга ердан омилкорлик билан фойдаланишни эрта ўргатдилар, — деди биз билан суҳбатда соҳибкор Нуритдин Дадахўжаев. — Ўқишдан вақтимиз ортди пайкал экин оралардик. Бозорга, энг аввал, томорқамизда етиштирилган картошка, сабзи чиқарди. Эрта баҳорда айримлар томорқасидаги қулупнайни чопиқ қилаётган маҳал, бизники ранг кўрсатарди. Жорий йилда фарзандларим билан икки сотих майдондаги иссиқхонада бодринг етиштирдик. Бозори чаққон келди. Насибага яраша даромад қилдик. Шу ҳисобдан ўртанчи ўғлимга иморат солиб бермоқчиман. Мавриди келганда бир гапни айтиб ўтсам, нокамтарликка йўймайсиз. Баъзан мамлакатимизнинг турли ҳудудларида бўлишга тўғри келади. Шунда, ери унумдор, серсув бўлса-да, қаровсиз ётган томорқаларни ёки уларга кераксиз экинларни экиб: «Ерим бўш турган эмас-ку», деган ўйда юрган одамларни кўриб ҳайрон қоламан. Уларга: «Томорқаси бор инсон оч қолмайди», деган ибора кеча ёки бугун айтилмаганини, ундан самарали фойдаланиш омилларини ўргатишга ҳаракат қиламан, олтиариқлик деҳқону соҳибкорлар тажрибасини уларга айтиб бераман. Зеро, улар деҳқончилик маданиятида анча илгарилаб кетишган. Томорқадан йилига 3-4 марта ҳосил олиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Бунда омилкорлик, ерга ва экинга ўз вақтида берилган ишлов ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Таъкидлаш жоизки, ҳукуматимиз томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларга бир қанча имтиёз ва енгилликлар яратилган. Хусусан, ноз-неъмат яратувчиларга банклар томонидан имтиёзли кредитлар бериш йўлга қўйилгани соҳа ривожига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Мисол учун, хонқалик соҳибкор Рустам Раҳимов «Пахтабанк»нинг туман филиалидан ажратилган 500 минг сўмлик кредит ҳисобига картошка, пиёз ва бошқа сабзавот уруғларини харид қилди. Бу каби имтиёздан минглаб юртдошларимиз баҳраманд бўлишмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, юртимизда деҳқончилик маҳсулотларини кўпайтириш, бозорларни улар билан тўлдириш пировард натижада қишлоқ аҳолиси даромадини ошириш турмуш фаровонлигини яхшилашга хизмат қилади.

**О.ЭРГАШЕВ**

Ушбу мақола Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ажратилган грант асосида тайёрланди.

# ОРАСТАЛИК ИШИМИЗГА ЗЕБ БЕРАДИ



(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

2006 йили «Энг обод маҳалла» республика кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичида ушбу маҳалла биринчи ўринни қўлга киритган эди. Бу бежизга эмас. Маҳаллада ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларига каттаю кичик бирдек муносабатда бўлади, қайғуради. Хусусан, фуқаролар йиғини раисининг ўн беш нафар маслаҳатчиси ҳам аҳоли ўртасида обрў-эътибор қозонган, катта ҳаётий тажрибага эга инсонлар экани оммавий равишда олиб борилаётган ишлар самарасида бош омил бўлмоқда.

— Саноқли кунлардан сўнг баҳор фасли кириб келади. Бутун табиат янгиланади. Бу жараёнда кўча бўйларига, томорқамиздаги бўш жойларга манзарали дарахт ва гул кўчатларини ўтказиш лозим, — дейди маҳалла оқсоқоли, ободонлаштириш, табиатни муҳофаза қилиш комиссияси раиси Мақсудхўжа Азимхўжаев. — Бунинг учун маҳалладошлардан ҳамжиҳатлик талаб этилади. Ниҳолларни ерга қадаб, уларни мунтазам равишда парваришлаб бормасак, меҳнатимиз бесамар кетиши аниқ. Энг аввало, уни ким парвариш қилади, деган саволга ойдинлик киритсак. Бу ишларни фақат кўчабошилар амалга оширмайди, чунки маҳалладаги ҳар бир ниҳолни парваришлаш умумнинг иши. Кўчабоши ишни ташкил этиши, кишиларни ҳамжиҳатликда меҳнат қилишга ундаши зарур. Ўшанда маҳалла ишига ҳамманинг меҳнати бирдек сингади, қарабсизки, ҳудуддаги ҳар бир гиёҳнинг барқ уриб ўсиши, нес-нобуд бўлмаслиги учун ҳар ким ўзида масъуллик ҳиссини туяди.

Дарҳақиқат, ҳар бир йиғин мутасаддилари ишига, маҳаллага баҳо беришдан олдин унинг кўчаларини, гузарини кўздан кечириш лозим. Нега деганда маҳалланинг кўрки — унинг тоза ва орасталигида. Шунга қараб аҳолининг қай даражада ҳамжиҳат эканини билиш мумкин. Бундан ташқари, маҳалланинг ободлиги ҳудуддаги тартиб-интизомдан далолат.

— Қаттиққўллик оқсоқолга хос фазилат бўлиши даркор, — дея фикрини давом эттирди М.Азимхўжаев. — У қаттиққўл бўлса, маҳаллада олиб борилаётган ободонлаштириш ишлари ҳам кутилган натижани беради.

Ҳозирда маҳалла аҳли Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини муносиб нишонлаш мақсадида ҳудудни обод гўшага айлантиришга чин дилдан киришган. Жорий йил март ойининг ўрталарига қадар ҳудуддаги барча уйлар, йўлак ва дарахт таналарини оқлаш ишлари ниҳоясига етказилиши мўлжалланмоқда. Бу каби хайрли ишларни амалга оширишда Жасур Собиров, Марат Давидов каби хусусий тадбиркорларнинг беминнат кўмаги алоҳида аҳамиятга эга бўляпти.

**Ҳамза АБДУЛЛАЕВ,**
**"Mahalla" мухбири.**

